

### **ШНҚ 3.06.03-08 “Автомобиль йўллари” шаҳарсозлик нормалари ва қоидаларига киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар**

1. 1.1-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“1.1. Ушбу қоидалар умумий фойдаланишдаги, хўжалик автомобиль йўллари, шаҳарлар ва бошқа аҳоли пунктларининг кўчалари (ички йўллар)ни қуриш ва мавжудларини реконструкция қилишда қўлланилади, бундан корхоналарнинг синов ва вақтинчалик йўллари мустасно.”.

2. 7.2-банддаги “1,3-1,5 бўлиши мумкин” деган сўзлар “80°C дан кам бўлганда 1,3-1,5 қабул қилиниши ва намуна зичлаш натижаларига қараб унинг миқдорига аниқлик киритилиши лозим” деган сўзлар билан алмаштирилсин.

3. Қуйидаги мазмундаги 7.9.1-банд билан тўлдирилсин:

“7.9.1. Ички хўжалик йўлларининг қопламаларини қуришда шағал-қум ва чақиқтош-шағал-қум аралашмаларидан фойдаланишга рухсат этилади.

Бунда, аралашмалар таркибида чангсимон ва лойсимон заррачалар миқдори кўпи билан 15% ни ва қум миқдори камида 30% ни ташкил этиши лозим.”.

4. 10.8-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“10.8. Битумларни қиздирилган ҳолатда кўпи билан 5 соат сақлаш мумкин.”.

5. 10.12-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“10.12. Минерал қукун совуқ ҳолатда тўғри аралаштиригичга юборилганда қолган материаллар ҳароратини ҳисобини олиш лозим.”.

6. 10.14-банддан “Аралаштириш вақти 10.2 - жадвалда берилган.” деган сўзлар чиқариб ташлансин.

7. 10.15-банддаги “битум маркасига қараб 10.3-жадвалда келтирилган кўрсаткичларга мувофиқ келиши керак” деган сўзлар “қоришмага қўйилган стандарт талаблари асосида бўлиши лозим” деган сўзлар билан алмаштирилсин.

8. 10.46-банддан “(10.5- жадвал)” деган сўзлар чиқариб ташлансин.

9. Жадвал 10.5 чиқариб ташлансин.

10. 10.92-бандда:

учинчи хатбошидаги “оддий машиналар қўлланилганда  $\pm 5\%$  дан” деган сўзлар “автоматик кузатувчи тизимли машинлар қўлланилганда  $\pm 5$  mm, оддий машиналар қўлланилганда  $\pm 10$  mm дан” деган сўзлар билан алмаштирилсин;

еттинчи хатбоши куйидаги тахрирда баён этилсин:

“-қопламаларга иссиқ қоришмалар ётқизилгандан 10 сутка ўтгандан сўнг қатламларнинг зичлик коэффиценти:

остки қатламники – 0,98 дан;

юқори қатламники – 0,99 дан;

йўлларнинг В, Г ва Д турлари учун – 0,98 дан;

шаҳарлар ва бошқа аҳоли пунктлари кўчалари (ички йўллар) қопламалари учун – 0,96 дан кам бўлмаслиги керак.”.

11. “В” илованинг “Қурилиш-монтаж ишлари сифатини баҳолашда ўлчамлар ва уларни баҳолаш шартлари” жадвали куйидаги мазмундаги позициялар билан тўлдирилсин:

Конструктив бўлак, иш тури ва назорат ўлчамлари		Баҳолаш шартлари	
		“яхши”	“аъло”
<b>2.8. Асфальтбетон қоришмаларини зичланганлик коэффиценти</b>			
2.8.1	I, II, III тоифали автомобил йўллари ва аҳоли пунктлари кўчаларининг юқори қатламга ётқизилган А, Б турдаги зич ва ўта зич қоришмалар учун	Аниқлаш натижаларининг 20% дан кўп бўлмаган ўлчовда зичланганлик коэффиценти камида 0,98, қолганларида 0,99 ва ундан ортиқ бўлиши лозим.	Аниқлаш натижаларининг 10% дан кўп бўлмаган ўлчовда зичланганлик коэффиценти камида 0,98, қолганларида 0,99 ва ундан ортиқ бўлиши лозим.
2.8.2	I, II, III тоифали автомобил йўллари ва аҳоли пунктлари кўчаларининг юқори қатламга ётқизилган В, Г, Д турдаги зич, шунингдек остки қатламга ётқизилган қоришмалар учун	Аниқлаш натижаларининг 20% дан кўп бўлмаган ўлчовда зичланганлик коэффиценти камида 0,97, қолганларида 0,98 ва ундан ортиқ бўлиши лозим.	Аниқлаш натижаларининг 10% дан кўп бўлмаган ўлчовда зичланганлик коэффиценти камида 0,97, қолганларида 0,98 ва ундан ортиқ бўлиши лозим.
2.8.3	IV тоифали автомобил йўллари ҳамда қишлоқ аҳоли пунктлари кўчалари (ички йўллар)га ётқизилган қоришмалар учун	Аниқлаш натижаларининг 30% дан кўп бўлмаган ўлчовда зичланганлик коэффиценти камида 0,95, қолганларида 0,96 ва ундан ортиқ бўлиши лозим.	Аниқлаш натижаларининг 10% дан кўп бўлмаган ўлчовда зичланганлик коэффиценти камида 0,95, қолганларида 0,96 ва ундан ортиқ бўлиши лозим.
<b>2.9. Асфальтбетон қопламаларидан олинган қирқим ва керн намуналарининг сув шимувчанлик кўрсаткичлари бўйича</b>			
2.9.1	I, II, III тоифали автомобиль йўллари ва кўчаларнинг қопламалари учун	Аниқлаш натижаларининг 20% дан кўп бўлмаган ўлчовда сув шимувчанлик кўрсаткичи меъёр талабидан +1% қолганларида меъёр талабида бўлиши лозим.	Аниқлаш натижаларининг 10% дан кўп бўлмаган ўлчовда сув шимувчанлик кўрсаткичи меъёр талабидан +1% қолганларида меъёр талабида бўлиши лозим.
2.9.2	IV тоифали автомобиль йўллари ҳамда қишлоқ аҳоли пунктлари кўчалари (ички йўллар) қопламалари учун	Аниқлаш натижаларининг 30% дан кўп бўлмаган ўлчовда сув шимувчанлик кўрсаткичи меъёр талабидан +3% қолганларида меъёр талабида бўлиши лозим.	Аниқлаш натижаларининг 10% дан кўп бўлмаган ўлчовда сув шимувчанлик кўрсаткичи меъёр талабидан +3% қолганларида меъёр талабида бўлиши лозим.



**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚУРИЛИШ ВАЗИРИНИНГ  
БУЙРУҒИ**

**ШНҚ 3.06.03-08 “Автомобиль йўллари” шаҳарсозлик  
нормалари ва қоидаларига қўшимча ва ўзгартиришлар  
киритиш тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси Шаҳарсозлик кодексига мувофиқ **буюраман**:

1. ШНҚ 3.06.03-08 “Автомобиль йўллари” шаҳарсозлик нормалари ва қоидаларига иловага мувофиқ қўшимча ва ўзгартиришлар киритилсин.
2. Мазкур буйруқ Адлия вазирлигида ҳисобга олингандан эътиборан кучга киради.

**Қурилиш вазири**

Тошкент ш.  
2021 йил 15 октябрь,  
187 сон



**Закиров Б. И.**



**O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI  
ADLIYA VAZIRLIGI**

**TEXNIK JIHATDAN  
TARTIBGA SOLISH  
SOHASIDAGI NORMATIV  
HUJJATLARNING  
HUQUQIY EKSPERTIZASI  
NATIJALARI BO‘YICHA  
X U L O S A**

**ШНҚ 3.06.03-08 -сон**

***1. Хужжатнинг тури:***

Шаҳарсозлик нормалари ҳамда қоидалари

***2. Хужжатнинг номи***

ШНҚ 3.06.03-08 “АВТОМОБИЛЬ ЙЎЛЛАРИ”ТА 4-СОН ЎЗГАРТИРИШ

***3. Хужжатни тасдиқлаган орган ва у киритилган сана ҳақидаги***

***маълумот***

Мазкур буйруқ Ўзбекистон Республикаси қурилиш вазири томонидан 2021 йил 15 октябрда 187-сон билан тасдиқланган.

***4. Хужжат бўйича таклиф ва эътирозлар***

Мазкур хужжат техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив хужжатларга қўйиладиган талаблар асосида киритилганлиги сабабли таклиф ва эътирозлар мавжуд эмас.

***5. Қонунчилик техникаси қоидаларига риоя қилинганлиги***

Ушбу хужжат “Техник жиҳатдан тартибга солиш тўғрисида”ги Қонун ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Давлат ҳуқуқий сиёсатини амалга оширишда адлия органлари ва муассасалари фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2020 йил 19 майдаги ПФ–5997-сон қарори ҳамда Идоравий норматив-ҳуқуқий хужжатларни тайёрлаш ва қабул қилиш қоидалари (рўйхат рақами 2565, 2014 йил 28 февраль) талабларига жавоб беради ва қонун хужжатларига зид эмас.

***6. Масъул ишрочи***

Нукумат байъонмаси қарорлари ва идоравий норматив хужжатларни ҳуқуқий експертизадан о‘тказиш бoшқармаси

Хужжатни ҳуқуқий экспертизадан ўтказиш натижаси бўйича

### **ХУЛОСА:**

Мазкур ШНҚга асосан ШНҚ 3.06.03-08 “Автомобиль йўллари” шаҳарсозлик нормалари ва қоидаларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилмоқда.

Хусусан, “Автомобиль йўллари тўғрисида”ги Қонуннинг 8-моддасига мувофиқ шаҳарлар ва бошқа аҳоли пунктларининг кўчалари Ўзбекистон Республикаси автомобиль йўллари таснифига киритилмоқда.

Шунингдек, ички хўжалик йўлларининг қопламаларини қуришда шағал-қум ва чақиқтош-шағал-қум аралашмаларидан фойдаланишга рухсат этилмоқда. Бунда, аралашмалар таркибида чангсимон ва лойсимон заррачалар миқдори кўпи билан 15% ни ва қум миқдори камида 30% ни ташкил этиши лозимлиги билан боғлиқ қўшимча киритилмоқда.

Тақдим этилган шаҳарсозлик нормалари ва қоидаларида ҳуқуқий нормалар мавжуд эмас.

Юқоридагиларга кўра, ШНҚ 3.06.03-08 “Автомобиль йўллари” шаҳарсозлик нормалари ва қоидаларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги буйруқни ҳисобга олиш мумкин деб хулоса қиламан.

**Глава гос. органа**



**Davletov R. K.**

2021 - yil 29 - oktabr